



# MILLIY TIKLANISH

38 (522) ● 2018 йил 19 сентябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АҚШНИНГ ХАЛҚАРО ДИНИЙ ЭРКИНЛИК СОҲАСИДА АЛОҲИДА ТОПШИРИҚЛАР БЎЙИЧА ЭЛЧИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 18 сентябрь куни мамлакатимизда амалий таширф билан бўлиб турган АҚШнинг халқаро диний эркинлик соҳасида алоҳида топшириқлар бўйича элчиси Самуэль Браунбэрни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни кутлар экан, Ўзбекистон Республикаси ва Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги кенг қўламли ҳамкорлик изчил мустақамлашиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этди.

Жорий йил май ойида Вашингтон шаҳрида бўлиб ўтган ва Ўзбекистон – АҚШ стратегик шериклигида янги даврни бошлаб берган олий даражадаги муокара натижалари юксак баҳоланди.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари, жумладан, диний эркинлик ва конфессиялараро тотувликни таъминлаш соҳасидаги конс-

труктив мулоқотни ривожлантиришга муҳим аҳамият қаратаётгани таъкидланди. Президентимиз қайд этганидек, Ўзбекистоннинг дин соҳасидаги сиёсати барча конфессия вакиллари учун тенг шароитлар яратишга асосланган.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида диний-маърифий соҳадаги фаолиятни тубдан такомиллаштиришга оид аниқ чоралар кўрилди.

Бағрикенглик, меҳр-оқибат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат, билимга чанқоқлик каби халқимиз

маънавий-ахлоқий ҳаётининг ажралмас жиҳатларини янада юксалтириш ва тарғиб этиш, диний-маданий меросни асраб-авайлаш бўйича улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда ислом динининг ҳақиқий инсонпарвар моҳиятини кенг жамоатчиликка етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ислом цивилизацияси маркази, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Имом Бухорий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази ташкил этилди.

Ўзбекистон БМТ Бош Ассамблеясининг барча учун таълим олиш имкониятини таъминлаш, бағрикенглик ва ўзаро ҳурмат муҳитини мустақамлаш, виждон, дин эркинлиги ва эътиқод қилувчиларнинг бошқа ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган "Маърифат ва диний бағри-

кенглик" номи махсус резолюциясини қабул қилиш ташаббусини илгари сурди.

Самуэль Браунбэк самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, АҚШ Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг миқёсли ўзгаришларни қадрлашини ва қўллаб-қувватлашини таъкидлади.

Мамлакатимиз диний эркинлик ва инсон ҳуқуқларини таъминлашда катта муваффақиятларга эришгани алоҳида қайд этилди.

Томонлар Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги кўп қиррали, жумладан, мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларини мустақамлаш, бағрикенглик ва конфессиялараро тотувликни таъминлаш соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга тайёр экани таъкидланди.

ЎзА

Ташаббус натижа берди

## КУТУБХОНАЛАР, КИТОБ ДЎКОНЛАРИ ВА АХБОРОТ-РЕСУРС МАРКАЗЛАРИ ФАОЛИЯТИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МИРИШКОР ТУМАН КЕНГАШИ СЕССИЯСИДА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Китобга меҳр инсонни ҳар томонлама улғайтиради. Бугун халқимиз яна китобга қайтмоқда, мутолаа маданияти юксалмоқда. Президентимизнинг 2017 йил 13 сентябрдаги "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларни янги, замонавий асосда ташкил қилиш имконини бермоқда.

Халқ депутатлари Миришкор туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзолари мазкур қарорда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида туман сессиясига "Туманда кутубхоналар, китоб дўконлари ташкил этиш, таълим муассасаларида ахборот-ресурс марказларининг белгиланган талаблар асосида ишлашини таъминлаш, аҳолининг китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш чораларини кўриш тўғрисида"ги ташаббус-масалани киритди. Бундан аввал ЎзМТДП гуруҳи аъзолари тумандаги мавжуд ҳолатни обдон ўрганиб, тегишли таҳлилий-танқидий хулосалар тайёрлади.

4-бет

Бугуннинг гапи

## "ҲАР ҚАНДАЙ МУЯССАРИЯТ МАҲРУМИЯТДИР..." ЁХУД АЛИШЕР НАВОИЙ ...ТИРИКМИ?

Қишлоқдан тоғам телефон қилди-да, саломимга алик олар-олмас, сўроққа тутди:  
— Жия, бир гап эшитдим, шу ростми?  
— Нима гап экан?  
— Халиги... нима десам экан, сен журналистсан-ку, билсанг керак, Навоий бобомиз тирик эмишми?  
Авал навбатдаги ҳазили шекилли, деб ўйлаб, "Навоий бобомиз мангу барҳаёт", дедим образли қилиб. Қарасам гап авзойи жиддийга ўхшади. "Қим айтди сизга, нималар деяпсиз ўзи?!" деган саволимга, "ана "Telegram"ни қара, шундай ёзибди", деди...

5-бет

Янги руки: Дилдаги гаплар

## КИТОБХОНЛИКДАН КИМ МАНФААТДОР?



Китобхонлик нима? У қандай шаклланади?  
Қўлида китоб кўтариб юрганнинг ҳаммаси ҳам китобхонми?  
Ҳақиқий китобхон билан шунчаки китобсеварни қандай фарқласа бўлади?  
Кўп китоб ўқиган одам ашаддий китобхонми ёки танлаб-танлаб ўқиганми?  
Автомобусда, метрода, поездда китоб ўқиб кетаётганларни ҳам ҳақиқий китобхонлар сафига қўйса бўладими?..

Саволларни яна давом эттириш мумкин. Лекин бу билан китобхонликка аниқ таъриф қўйиш жуда қийин. Китобга чин ошно бўлиш жараёни осон кечмайди. Кимдир болалигидан, кимдир ўсмирлигидан, яна кимдир улғайганида китобга меҳр қўяди. Умуман, китобни севиш, унга меҳр қўйишда ёшнинг аҳамияти йўқ. Хуллас, китобхонлик жараёни ҳар кимда ҳар хил кечади.

6-бет

Кўрик-танлов

## ТАШАБУСКОР АЁЛЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши 10 йилдан буён ўтказиб келаятган "XXI аср аёли" кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.

Аёлни эъзозлаш, аёлга эҳтиром кўрсатиш — халқимизга хос фазилат. Мамлакатимиз хотин-қизларининг жамиятдаги ўрни ва мавқеини мустақамлаш борасидаги ҳар бир саъй-ҳаракат сиёсий, ижтимоий ва маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Мазкур кўрик-танлов ҳам хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонун ва қонуности ҳужжатларига, партия Дастурига тақлифлар тайёрлаш, партия сайловолди Платформасида хотин-қизлар масаласида белгиланган вазифаларни амалга ошириш ва ташаббускор хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга қаратилган.

2-бет



Таҳлил ва танқид

## "СИРЛИ МАСЖИД" ЁДГОРЛИГИ БУЗИЛИШ АРАФАСИДА ЁКИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ НАМАНГАН ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИ ҚАРОРИ НЕГА ИЖРО ЭТИЛМАЯПТИ?

Юртимиз қадим тарихи, бой анъаналари, авлиё аломалари, тарихий обидалари, зиёратгоҳлари билан дунёга машҳур. Наманган вилояти ҳам азалдан илм-фан ва маданиятнинг йирик марказларидан бири бўлиб келган. Бу заминдан кўп буюк олимлар, улуг сиймолар етишиб чиққан.

Бугун Наманган вилоятида 273 моддий-маданий мерос объекти мавжуд. Уларнинг 151 таси археология ва 99 таси архитектура ёдгорликлари бўлса, 15 таси зиёратгоҳ, 8 таси монументал ҳайкалдан иборат. Бу ўз навбатида ҳудудда туризм инфратузилмасини ривожлантириш, Наманганни сайёҳлик марказларидан

бирига айлантириш имкониятини беради.


Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси гуруҳлари айни шу мақсадда ҳудудлардаги маданий мерос объектларини асраб-авайлаш, уларни ёш авлодга асл ҳолича етказиш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, партиянинг халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгашидаги гуруҳи Ўзбекистон Республикасининг "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуннинг ҳудуддаги ижроси масаласини 2017 йил 25 ноябрь куни бўлиб ўтган шаҳар Кенгашининг навбатдаги сессияси кун тартибига олиб чиққан ва бу борада қарор ҳам қабул қилинган эди.

Ушбу қарорда, Наманган шаҳри Кўқон кўчаси, 5-уйда жойлашган "Сирли масжид" зиёратгоҳи ҳудудда ободонлаштириш ишларини ташкил этиш чора-тадбирлари белгиланган. Аммо...

Мазкур масала хусусида гапиришдан аввал, ушбу тарихий маскан тарихи, унинг нима сабабдан "сирли" деб номлангани ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз. Бу ҳақда аниқ ва асосли маълумотларга эга бўлиш мақсадида, ўз вақтида Наманган вилояти маданият бошқармасининг тарихий маданий ёдгорликларни асраб-авайлаш бўлими ноизири — бошлиғи бўлиб ишлаган таниқли манбашунос, меҳнат фахрийси Аҳмад Убайдуллоҳ билан суҳбатлашдик.

2-бет

Ушбу сонда:



Миллий рақс — маънавиятимизнинг ажралмас қисми  
ХОРАЗМДА 14-16 СЕНТЯБР КУНЛАРИ "РАҚС СЕҲРИ" ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛИ ЎТКАЗИЛДИ

8-бет

## КЎҲНА ТАРИХ, ФУСУНКОР ТАБИАТ



7-бет

MILLIY TIKLANISH — Мамлакатимиз миллий тикланишига хизмат қилади!

"Milliy tiklanish" газетасини [www.milliytiklanish.uz](http://www.milliytiklanish.uz) сайтида, шунингдек, [fb.com/milliytiklanish](https://fb.com/milliytiklanish), [t.me/milliytiklanish\\_uz](https://t.me/milliytiklanish_uz) ижтимоий тармоқларида ҳам ўқинг!



газетамизга обуна давом этмоқда!

Нашр кўрсаткичи — 158













